

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМАНДАРОВА ГУЛМИРА МУЗАФФАР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Самандарова Гулмира Музаффар қизи**

Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни  
такомиллаштириш..... 3

**Самандарова Гулмира Музаффар қизи**

Совершенствование обеспечения открытости бюджета в  
Узбекистане..... 24

**Samandarova Gulmira Muzaffar qizi**

Improving budget transparency in Uzbekistan..... 54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМАНДАРОВА ГУЛМИРА МУЗАФФАР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2021.3.PhD/Iqt1801 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эшов Мансур Пулатович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Кузиева Наргиза Рамазоновна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Юсупов Шохжаҳон Баходир ўғли  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Банк-моллия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «17» *DF* соат *16* даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил «4» *DF* куни тарқатилди.  
(2023 йил «4» *DF* даги *6* рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Б.А. Хасанов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

*[Signature]* — У.В. Гафуров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

*[Signature]*  
С.К. Худойкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бюджет сиёсатининг янги тенденциялари вужудга келиши ташаббусли бюджет, бюджет шаффофлигини таъминлаш сингари жиҳатлар билан ифодаланмоқда. Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, Европа комиссияси ва бошқа катор халқаро жамғармалар шериклигида Бюджет халқаро ҳамкорлиги (International Budget Partnership) нотижорат ташкилоти таъсис этилган. Бу ташкилотда 2006 йилдан буён ҳукуматларнинг бюджет сиёсати очиклиги ўрганилиб, унга нисбатан баҳолар эълон қилиб борилади. Бунда очик бюджет бўйича халқаро даражада сўровнома ўтказиб келинади. Мазкур нотижорат ташкилот томонидан бюджет очиклиги бўйича сўровнома маълумотларига кўра, “2021 йилда 120 та давлатнинг бюджет сиёсати борасидаги очиклиги таҳлил қилинган. Умумий натижа кўрсаткичлари максимал 100 балдан 2021 йилда ўртача 45 баллни ташкил этганлиги кўплаб мамлакатларнинг бюджетга оид асосий молиявий маълумотлар эълон қилмаётганлигини англатади”<sup>1</sup>. Мазкур ҳолат эса, бюджет очиклиги (ташаббусли, шаффоф бюджет)ни таъминлашга қаратилган чоратadbирларнинг долзарблигини англатади.

Жаҳонда глобаллашув ва халқаро рақобатлашувнинг кучайиши шароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш талабларининг ортиб бориши кўплаб мамлакатларида бюджет очиклиги масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда. Молиявий сиёсатнинг очиклигини таъминлаш меъёрларини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда давлат ва хусусий сектор бошқарувини ажратишнинг аниқлигини таъминлаш, фискал сиёсат мақсадларига эришишни назорат қилиш, молиявий ахборот ва рискларни, ички ва ташқи назоратнинг ўзаро таъсирини аниқлаш, бюджет маблағларини таъминлашда ваколатли органларнинг аҳамиятини кучайтириш, аҳоли иштирокини кенгайтириш, молиявий маълумотларнинг тушунарли ва аниқ шакллантирилиши, молиявий маълумотларнинг очиклиги таъминланишида реал вақт режимига амал қилиниши ва амалга оширилиши бу борадаги тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида “бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромад ва харажатларининг халқимиз учун очик-ошқора бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Зеро, давлат ва жамият бошқарувидаги очиклик, мамлакат бюджетининг тақсимланиши ва сарфланишидаги шаффофлик чинакам халқ ҳокимиятини қарор топтириш ва фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим шартидир”<sup>2</sup>. Бюджет очиклигини кенгайтириш

<sup>1</sup> Open budget survey 2021 <https://internationalbudget.org/wp-content/uploads/Open-budget-survey-2021.pdf>

<sup>2</sup> Бюджет-солиқ тизими очиклик тамойилига асосланади. – <https://uza.uz/uz/posts/byudzhet-soli-tizimi-ochi-lik-tamoyiliga-asoslanadi-19-06-2018>

вазифаси бюджет сиёсатида очикликни таъминлашнинг назарий ва амалий муаммоларини чуқур илмий таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Бюджет очиклигини таъминлашда аҳолининг молиявий саводхонлиги, мазкур объект юзасидан илмий тадқиқотларнинг камлиги ва интернет билан қамраб олиш, унинг тезлиги ва нархи борасидаги масалалар муҳим ҳисобланади. Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришда бевосита манфаатдор аҳолининг овоз бериш жараёнларидаги иштироки самарадорлигини ошириш, фуқаролар учун шаффоф бюджет амалиётини ривожлантириш, ташаббускор бюджет жараёнларида турли аҳоли манзилларидаги яшовчилар зичлигининг фарқланиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган бюджет маблағларидан фойдаланишдаги тафовутларни молиялаштиришга тақдим этилувчи лойиҳалар сони орқали мувофиқлаштириш, маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет очиклигини таъминлаш жараёнидаги иштирокини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик рейтинги кўрсаткичлари таркибига киритиш орқали рағбатлантириш бу борада тадқиқ этилиши зарур бўлган йўналишлардан ҳисобланади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-4947-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон ““Очиқ бюджет” ахборот порталида жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ-197-сон “Туман ва шаҳар бюджетларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон “Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 30 июндаги КҚ-377-IV-сон “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” деб номланган стратегик мавзуларининг устуворлигига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бюджет очиклигини таъминлаш, унда ташаббусли бюджет, бюджет шаффофлиги сингари замонавий иқтисодий категорияларни тадқиқ этган ва унинг илмий асосларига сезиларли ҳисса қўшган хорижий олимлар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин: Е.Воробьева, Н.Гузъ, В.Лукина, А.Лукьянова, Е.Морозова, Т.Нестеренко, В.Сульженко ва бошқалар<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда бюджет очиклигини тўғридан-тўғри тадқиқ этишга бағишланган ишлар кўп бўлмаса-да, лекин унинг айрим жиҳатлари тўғрисида мамлакатимиз олимлари, жумладан А.Абдуллаев, И.Алимов, С.Аллаяров, Х.Асатуллаев, С.Исмоилова, Г.Қосимова, Д.Мирходжа, Н.Примова, Д.Рахмонов, М.Ташходжаев, З.Толаметова, Л.Хазраткулова, Ҳ.Ҳақимов, А.Шеров, К.Эрназаров ва бошқа олимлар ўз илмий хулосаларини баён этганлар<sup>4</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сонли “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий

---

<sup>3</sup> Воробьева Е.Е. Бюджетирование в системе управления жилищно-коммунальным хозяйством муниципального образования: автореферат ... к.э.н. – М.: Государственного университета управления, 2007. – 23 с.; Гузъ Н.А. Формирование открытой и прозрачной информации об управлении общественными финансами: опыт США. //Экономики. Налоги. Право. – М., 2016. - №5. – С. 96-102.; Лукина В.Д. Совершенствование программно-целевого финансирования в условиях реформирования бюджетного процесса: автореферат ... к.э.н. – М.: Российского государственного социального университета, 2007. – 23 с.; Лукьянова А.В. Совершенствование системы бюджетного планирования расходов на развитие социальной сферы: автореферат ... д.э.н. – Москва. «Российская академия предпринимательства», 2012. – 48 с.; Морозова Е.А. Модели бюджетного федерализма в развитых странах и особенности их применения в Российской Федерации: автореферат ... д.э.н. – М.: Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова. 2009. – 49 с.; Нестеренко Т.Г. Концепция эффективной бюджетной политики: автореферат ... к.э.н. – М.: Финансовой академии при Правительстве Российской Федерации, 2006. – 32 с.; Сульженко В.С. Обеспечение устойчивости бюджетной системы Российской Федерации в условиях институциональных преобразований: автореферат ... к.э.н. – Ростов-на-Дону. «Ростовский государственный экономический университет (РИНХ)», 2014. – 26 с.

<sup>4</sup> Абдуллаев А.Ф. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТМИ, 2020. – 60 б.; Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар. // Бизнес-эксперт. – Т., 2017. 7-сон. 7-10-б.; Аллаяров С.Р, Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш. //Халқаро молия ва ҳисоб. 2-сон, апрель, 2020 йил.; Асатуллаев Х.С., Топтемиров Ш.О. Иқтисодий фаоллик ва давлат фискал сиёсати: назария ва амалиёт уйғунлиги.//Халқаро молия ва ҳисоб. 2-сон, апрель, 2019 йил.; Исмоилова С.Я. Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали самарали фойдаланишни таъминлаш масалалари (Фарғона вилояти мисолида): и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ФарДУ, 2021. – 58 б.; Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. – Тошкент: Молия, 2004. – Б. 13.; Мирходжа Д.А. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2021. – 58 б.; Примова Н.И. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиялари шаклланиши ва уларнинг гуруҳланиши. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 4-сон, iyul-avgust, 2020-yil; Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. –72 б.; Ташходжаев М.М. Ўзбекистонда таълим тизимини молиялаштиришнинг ривожланиш тенденциялари. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 4-сон, iyul-avgust, 2020-yil.; Толаметова З.А., Кулматов А.А. Амир Темур давлатининг иқтисодий ривожланиши ва савдо алоқалари. // Иқтисод ва молия, 2012. 5-сон. 10-19-б.; Хазраткулова Л.Н. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2020. –70 б.; Ҳақимов Ҳ.А. Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2021. – 55 б.; Шарапова М.А. Халқ таълими тизимини бюджетдан молиялаштириш амалиёти. // Халқаро молия ва ҳисоб. 3-сон, июнь, 2020 йил.; Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсати: амалий ва стратегик йўналишлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. 1-сон, февраль, 2019 йил.; Эрназаров К.Ю. Бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 4-сон, iyul-avgust, 2020-yil.

ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат бюджетининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва ўзига хосликларининг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

давлат бюджети очиклигининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш;

бюджет очиклигининг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш;

Ўзбекистонда бюджет сиёсатида очиклик тамойилининг амалдаги ҳолати таҳлилин аналга ошириш;

Ўзбекистонда бюджет харажатларини шакллантиришда очикликни таъминлаш тенденцияларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда ташаббускорлик бюджетининг вужудга келиши таҳлилин аналга ошириш;

Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларни тизимлаштириш;

Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизими танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, қиёсий таққослаш, индукция ва дедукция сингари усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришда бевосита манфаатдор аҳолининг овоз бериш жараёнларидаги иштироки самарадорлигини туман (шаҳар) ҳокимликлари кесимида аҳамиятли лойиҳа йўналишлари рўйхати ва уларнинг смета қийматини ҳисоблаш жамоат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ошириш таклифи асосланган;

бюджет очиклигини янада такомиллаштиришда ташаббусли бюджет ҳамда бюджет кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг реал вақт режимида тақдим этилишини ифодаловчи фуқаролар учун шаффоф бюджет амалиётини ривожлантириш таклифи асосланган;

ташаббускор бюджет жараёнларида турли аҳоли манзилларида яшовчилар зичлигининг фарқланиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган бюджет маблағларидан фойдаланишдаги тафовутларни молиялаштиришга тақдим этиладиган лойиҳалар сони орқали мувофиқлаштириш таклифи асосланган;

маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет очиклигини таъминлаш жараёнидаги иштирокини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик рейтинги кўрсаткичлари таркибига фуқароларнинг ташаббускор бюджет жараёнлари орқали амалга оширилган ободончилик ва эришилган фаровонлик кўрсаткичлари қийматини киритиш орқали рағбатлантириш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давлат қўллаб-қувватлаши, айниқса кам таъминланган – “темир дафтар”, “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” таркибига кирган шахслар учун бюджетдан ажратилган маблағларни тизимлаштириш таклиф этилган;

мамлакатда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган капитал курилиш объектларининг интерактив харитасини кўриш имкониятини яратиш натижасида молиявий кўрсаткичларини аниқ ифодалаш асосланган;

давлат бюджетининг ижтимоий харажатларини молиялаштириш тенденциялари таҳлил қилинган ва эмпирик тадқиқотлар асосида хулосалар шакллантирилган;

Ўзбекистонда бюджет очиклиги даражаси халқаро мезонлар асосида аниқланган ва баҳоланган;

Ўзбекистонда ташаббусли бюджет асосидаги бюджет сиёсати тенденциялари таҳлил қилинган ва хулосалар тизимлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацион тадқиқот олиб бориш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ҳамда Халқаро молия институтларининг бюджет очиклигига оид расмий статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавзуга тегишли қисмлари атрофлича кўриб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатда бюджет сиёсатининг очиклигини таъминлаш, унда ташаббусли бюджет ва фуқаролар иштирокини кенгайтиришни такомиллаштиришнинг методологик асосларини тадқиқ этиш ва бюджет жараёнининг шаффофлигини ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотларни олиб боришда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлаш, ташаббусли бюджет амалиётини ривожлантириш, бюджет шаффофлигини оширишда унинг қамровини кенгайтириш юзасидан тизимни ислоҳ этишга бағишланган илмий концепция, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида “Молия”, “Давлат молиясини бошқариш” ва “Давлат бюджети” сингари фанларнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий базасини мустаҳкамлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришда бевосита манфаатдор аҳолининг овоз бериш

жараёнларидаги иштироки самарадорлигини туман (шаҳар) ҳокимликлари кесимида аҳамиятли лойиҳа йўналишлари рўйхати ва уларнинг смета қийматини ҳисоблаш жамоат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан “Бюджет очиқлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-08/546-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришдан бевосита манфаатдор аҳолининг овоз бериш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш имкони яратилган;

бюджет очиқлигини янада такомиллаштиришда ташаббусли бюджет ҳамда бюджет кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг реал вақт режимида тақдим этилишини ифодаловчи фуқаролар учун шаффоф бюджет амалиётини ривожлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-08/546-сонли маълумотномаси). Натижада бюджетни халққа яқинлаштиришнинг фундаментал жиҳатларини жорий этишга имконият яратилган;

ташаббускор бюджет жараёнларида турли аҳоли манзилларида яшовчилар зичлигининг фарқланиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган бюджет маблағларидан фойдаланишдаги тафовутларни молиялаштиришга тақдим этиладиган лойиҳалар сони орқали мувофиқлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан “Бюджет очиқлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-08/546-сонли маълумотномаси). Натижада ташаббускор бюджет жараёнларида турли аҳоли манзилларида яшовчилар зичлигининг фарқланиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган бюджет маблағларидан фойдаланишдаги тафовутлар таъсирини пасайтириш имкони яратилган;

маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет очиқлигини таъминлаш жараёнидаги иштирокини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик рейтинги кўрсаткичлари таркибига фуқароларнинг ташаббускор бюджет жараёнлари орқали амалга оширилган ободончилик ва эришилган фаровонлик кўрсаткичлари қийматини киритиш орқали рағбатлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан “Бюджет очиқлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастури”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий

ислохотлар кўмитасининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-08/546-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда қўллаш натижасида маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет очиклигини таъминлаш жараёнидаги иштирокини рағбатлантириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробацияда ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза тезиси нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат бюджетининг очиклигини таъминлашнинг назарий асослари ва ижтимоий хусусиятлари**» номли биринчи бобда бюджет очиклигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва асослари тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилувчи омил сифатида фискал сиёсат алоҳида аҳамиятга эга. Бунда аҳолининг даромадларини барқарорлаштириш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради. Давлат бюджети аҳолини бирламчи тиббий хизматлар билан қамраб олиш, таянч таълим билан таъминлаш ва кам даромадли қатламни молиявий қўллаб-қувватлаш сингари масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Умуман, муаллиф томонидан давлат бюджети харажатларини амалга ошириш ва бюджет сиёсатининг миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги аҳамиятининг назарий асосларига қаратилган қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилган:

– бюджетнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда бюджет сиёсати молиявий қарорларини қабул қилишни номарказлаштириш ва ваколатларни вертикал тақсимлашга эришиш;

– бюджет дефицитининг марказлашувини тугатиш учун ҳудудларнинг молиявий қарорларни қабул қилиш юзасидан ваколатларини кенгайтириш;


- бюджет тузилмасини шакллантиришда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган инфратузилма яратиш;
- бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлашга қаратилган натижа мезонларини шакллантириш ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;
- бюджет сиёсатининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун ЯИМга нисбатан таъсир чораларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини яратиш;
- бюджет харажатлари йўналишларини аниқлашда аҳоли иштирокини оширишга қаратилган шаффофлик ва ташаббуслик механизминини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда. Уларнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлиги бюджет маблағларини натижага йўналтирилган ҳолатда сарф этилишини талаб этмоқда. Бошқа жиҳатдан эса, бюджет харажатлари йўналишларини ишлаб чиқишни аҳоли мурожаатлари ва ташаббуслари асосида уни амалга ошириш назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, қайд этиб ўтилган ислохотларнинг тадрижийлигини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат қабул қилиниши билан фуқароларнинг ажратилган бюджет маблағларининг 5 фоизини шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш белгиланди. Бунда 2021 йил май ойидан бошлаб, мамлакатимизнинг жами 14 та туманида тегишли бюджетлардаги тасдиқланган умумий харажатларнинг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этиш қайд этилди. 2022 йил январдан бошлаб эса мазкур қоида Ўзбекистон бўйлаб барча туман ва шаҳарларда амал қила бошлаши қайд этилди.

Шу билан бирга, жамоатчилик фикри асосида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалар ҳисобидан шакллантирилган маблағларининг харажатларга йўналтирилувчи 10 фоизини 30 фоизгача ошириш белгиланди. Умуман, юқорида қайд этиб ўтилган иккита (ПҚ-3917 ва ПҚ-5072) қарор фуқароларнинг бюджет сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилади ва улар қуйидагича тарзда ўзаро фарқланади.

Муаллифнинг фикрича, бюджет очиклигини таъминлашда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар навбатдаги қадамлардан бири бўлди. Бюджет очиклиги категориясида дастлабки таассуротлар маълумотларга эга бўлиш билан вужудга келади. Бу бир жиҳатдан маълумотлар очиклигини акс эттирса, иккинчи жиҳатдан бюджет сиёсатини шакллантиришда жамоатчиликнинг иштирокини тўлақонли таъминлашнинг зарурати билан белгиланади.



### 1-расм. Ўзбекистонда очик бюджет жараёнининг тузилмаси<sup>5</sup>

Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотлари томонидан харажатларда ҳам бюджет, ҳам бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиб боришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- маълумотларнинг содда ва тушунарли бўлиши;
- харажатларни амалга оширишдан мақсад ва ундан олинадиган натижани аниқ кўрсатиш;
- харажатларни амалга ошириш муддати;
- бюджетдан ташқари маблағнинг келиб тушган манбаи ва асоси;
- харажатларни амалга оширишда ходимларнинг фикри ва таклифлари эътиборга олинган ҳажм тўғрисида ҳам маълумотларни тақдим этишни жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бюджет очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда 3 та жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Булар: бюджет очиклиги ва шаффофлиги қонунчилиги, аҳолининг молиявий саводхонлиги, интернет тармоғида бюджет маълумотларини жойлаштириш ва аҳоли билан қайта алоқа тизимини яратиш билан ифодаланади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашнинг ривожланиш тенденциялари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида бюджет очиклигининг амалдаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар давомида қайд этганидек, Очиқ бюджет сўрови (The Open Budget Survey) Халқаро бюджет ҳамкорлиги (International Budget Partnership's) ташкилоти томонидан амалга оширилувчи глобал тадқиқот ва тарғибот дастури бўлиб, у жамоатчиликнинг бюджет маълумотларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда уларни бюджет жараёнларида иштирок этиш имкониятларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

<sup>5</sup> Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

“Очиқ бюджет сўрови” маълумотлари асосида “Очиқ бюджет индекси” шакллантирилади ва унинг баллари 109 та баҳоланувчи саволларга жавоблар орқали 0-100 балл оралиғида баҳоланади. Баҳолаш ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади. Энг сўнгги баҳолаш 2021 йил бўйича ўтказилган.

Мазкур оралиқ баҳолар ҳам йирик 5 та даражага бўлинган.

Биринчи ва энг юқори даража “Кенг қамровли очиқлик”ни ўзида акс эттиради ва у 81-100 балл оралиғида баҳоланади.

Иккинчи даража “Муҳим ҳужжатлар очиқлиги” ни ўзида акс эттиради ва у 61-80 балл оралиғида баҳоланади. Бундай даража, яъни умумий балларнинг 61 дан юқори бўлиши бюджетни жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши учун етарли маълумотлар тақдим этилишини англатади<sup>6</sup> ва очиқликни етарли таъминлашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Учинчи даража “Чекланган очиқлик” бўлиб, у 41-60 балл оралиғида баҳоланади. Бу оралиқда баҳоланган давлатларда очиқлик чекланган бўлиб, уни ошириш зарурати мавжудлиги назарда тутилади.

Тўртинчи даража “Минимал очиқлик” бўлиб, у 21-40 балл оралиғида баҳоланади. Тўртинчи даража бюджетнинг очиқлигини таъминлашнинг минимал, яъни энг кичик талаблари бажарилганлигини, лекин очиқлик учун жуда кўп ишларни амалга ошириш кераклигини англатади.

Бешинчи даража эса бюджет бўйича маълумотлар жуда кам ёки йўқ бўлганда берилади ва 0-20 балл оралиғида шаклланади. Бундай даражада бўлиш очиқлик бўйича деярли ҳеч қандай ишлар қилинмаганлигини англатади.

Юқоридаги даражалар бўйича давлатлар баҳолаб борилади ва уларнинг рейтинги тузилади (1-жадвал). Шу билан бирга, мамлакатимизда бюджет очиқлиги ва шаффофлигини ошириш ва халқаро даражасини таъминлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон “Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик” (PEFA – Public Expenditure and Financial Accountability) дастури асосида баҳолашдан ўтказилди.

Дастурнинг 2-руқни, яъни “Давлат молиясининг шаффофлиги” асосида давлат бюджетининг очиқлиги ва шаффофлиги баҳолашдан ўтказилган. Унга асосан, давлат молиясининг тўлиқлиги ва шаффофлиги деганда, давлат молияси бўйича маълумотлар кенг қамровли, тизимли ва фойдаланувчилар олишлари учун осон бўлиши назарда тутилади.

Дастурда бу мақсадларга бюджетни хорижий тажрибалар асосида таснифлаш, барча давлат даромадлари ва харажатлари, жумладан бюджетлараро трансфертлар шаффофлигини таъминлаш, хизматларни етказиб бериш самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни, ахборотни эълон қилиш ҳамда жамоатчиликка бюджетга оид ҳужжатлар билан эркин танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш орқали эришиш келтирилган.

---

<sup>6</sup> Интернет манба: [www.internationalbudget.org](http://www.internationalbudget.org) Мурожаат қилинган сана 2021 йил 22 май.

**1-жадвал**

**Очиқ бюджет индекси бўйича энг юқори ўриндаги мамлакатлар тўғрисида маълумот<sup>7</sup>**

№	Даража	Йиллар			
		2015	2017	2019	2021
1.	Кенг қамровли очиклик (81-100)	Янги Зеландия	Янги Зеландия	Янги Зеландия	Грузия
2.		Швеция	Жанубий Африка	Жанубий Африка	Жанубий Африка
3.		Жанубий Африка	Швеция	Швеция	Швеция
4.		Норвегия	Норвегия	Мексика	Янги Зеландия
5.		АҚШ	Грузия	Грузия	Мексика
6.	Мухим хужжатлар очиклиги (61-80)	Бразилия	Мексика	Бразилия	Бразилия
7.		Франция	Бразилия	Норвегия	Австралия
8.		Буюк Британия	АҚШ	Австралия	Доминикан Республикаси
9.		Руминия	Руминия	АҚШ	Италия
10.		Перу	Буюк Британия	Филиппин	Жанубий Корея
11.	Чекланган очиклик (41-60)	Аргентина	Япония	Полша	Полша
12.		Индонезия	Жанубий Корея	Словакия	Португалия
13.		Испания	Уганда	Чехия	Монголия
14.		Чили	Полша	Гондурас	Чехия
15.		Колумбия	Словакия	Уганда	Чили
16.	Минимал очиклик (21-40)	Конго демократик республикаси	Тимор-лесте	Мадагаскар	Сенегал
17.		Шри-ланка	Мали	Тимор-лесте	Непал
18.		Замбия	Тунис	Сербия	Ҳиндистон
19.		Мозамбик	Бенин	Серра-лионе	Фижи
20.		Албания	Серра-лионе	Фижи	Шимолӣ Македония

Мазкур дастурда кўрсаткичларнинг ҳар бир ўлчови самарадорлик “А” дан “D” гача бўлган тўрт нуқтали тартибли шкала бўйича баҳоланади. Бунда “А” энг юқори ижобий натижани “D” эса энг паст натижани акс эттиради (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик дастури асосида давлат молиясининг шаффофлигини баҳолаш натижалари<sup>8</sup>**

Самарадорлик кўрсаткичлари		Умумий баҳо
1.	Бюджет таснифи	<b>B</b>
2.	Бюджет хужжатлари	<b>B</b>
3.	Давлат операцияларининг молиявий ҳисоботларида ҳисобга олинмаган ҳажми	<b>C</b>
4.	Маҳаллий ҳокимият органларига трансфертлар	<b>D</b>
5.	Жамоатчиликнинг молиявий маълумотлардан фойдаланиш имконияти даражаси	<b>C</b>

Бунда ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида саволлар ва уларнинг жавоб вариантлари мавжуд бўлиб, мазкур жавоблар дунё мамлакатларининг энг илғор тажрибалари асосида шакллантирилган. Шу билан бирга “А” баҳоси мазкур илғор тажрибаларнинг баҳолаш ўтказилаётган давлатда ҳам қўлланилишини

<sup>7</sup> Интернет манба: [www.internationalbudget.org](http://www.internationalbudget.org) Мурожаат қилинган сана 2021 йил 22 май.

<sup>8</sup> “Uzbekistan PEFA Assessment 2019” Интернет манба [www.pefa.org](http://www.pefa.org) Мурожаат қилинган сана 2021 йил 5 июнь.

ифодаласа, “D” баҳоси бундай амалиётнинг мавжуд эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам баҳолашда “D” баҳоси берилган кўрсаткичларга алоҳида эътибор берилиши ҳамда унинг яхшиланиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик дастури асосида давлат молиясининг шаффофлигини баҳолаш натижаларида бюджет таснифи ва бюджет ҳужжатлари йўналишларига “B” баҳоси берилган ва қолган барча йўналишларда қониқарли (C) ва қониқарсиз (D) баҳолар келтирилган. Хусусан, давлат операцияларининг молиявий ҳисоботларида ҳисобга олинмаган ҳажми бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалари консолидациялашган бюджет таркибига киритилмаганлиги сабабли қониқарли (C), маҳаллий ҳокимият органларига ажратиш режалаштирилган трансфертлар миқдорини олдиндан билмаслик сабабли қониқарсиз (D), жамоатчиликнинг молиявий маълумотлардан фойдаланиш имконияти даражаси маълумотлар етарли даражада тақдим этилмаганлиги боис қониқарли (C) баҳоланган.

Муаллифнинг фикрича, мазкур баҳолаш натижалари мамлакатимизда бюджет шаффофлиги ҳолати бўйича дастлабки маълумотларни тақдим этиши билан аҳамиятлидир. Бюджет шаффофлигини таъминлашга талаблар шакллантирилган бўлиб, бу бўйича Халқаро валюта жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган “Фискал шаффофлик кодекси”<sup>9</sup>ни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

“Фискал” сўзи мазкур кодексда бюджетнинг барча параметрларини камраб олган ва асосан бюджетни назарда тутди. Бу кодексда бюджет ҳисоботларида ҳукуматнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисида долзарб, кенг қамровли, ўз вақтида ва ишончли маълумотлар бериш кераклиги келтирилган. Кодекс қуйидаги 3 қисмдан иборат бюджет шаффофлиги тамойилларидан ташкил топган:

1. Бюджет ҳисоботи.
2. Бюджетни прогнозлаш ва бюджетлаштириш.
3. Бюджет рискларини таҳлил қилиш ва бошқариш.

Ўз навбатида, бундай тамойиллар бир нечта қисмларга ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бюджет шаффофлигини таъминлаш талабларини белгилайди.

Юқорида баён этилган тамойиллар асосида Ўзбекистонда бюджет шаффофлиги 2018 йил июнь ва 2019 йил март ойларида Халқаро валюта жамғармаси томонидан баҳоланган. Баҳолаш 4 даражада амалга оширилган ва ранглар билан белгиланган<sup>10</sup>. 3-жадвалдан кўриш мумкинки, 2018 йилда ўтказилган баҳолашга нисбатан 2019 йилда бюджет шаффофлигини баҳолаш орқали жами 36 кўрсаткичнинг 13 таси (2018 йилда 20 та эди) базавий стандартларга жавоб бермаганлик ҳолатида, яъни қизил рангда қолган. 5 та

<sup>9</sup> “The Fiscal Transparency Code” Интернет манба: [www.imf.org](http://www.imf.org) Мурожаат қилинган сана 2021 йил 20 апрель.

<sup>10</sup> Жадвал Халқаро валюта жамғармасининг Fiscal Transparency Evaluation update нашри асосида тайёрланган. Интернет манба: <https://www.imf.org> Мурожаат қилинган сана 2021 йил 29 апрель

кўрсаткич амалиётнинг яхши даражасига ўтказилган бўлса, амалиётнинг илғор даражаси ўзгаришсиз қолган.

3-жадвал

**Халқаро валюта жамғармаси томонидан Ўзбекистонда бюджет шаффофлигини 2018 ва 2019 йиллардаги баҳолаш натижалари фарқлари таҳлили<sup>11</sup>**

2018 йилдаги натижалар	2019 йилдаги натижалар	Фарқларга изоҳлар
1.10. Статистик ишонччилик	1.10. Статистик ишонччилик	Молия вазирлигида давлат молияси статистикаси ва бюджет очиқлигини оширишга жавобгар бўлган бўлим ташкил этилган
2.3. Ўрта муддатли бюджет асослари	2.3. Ўрта муддатли бюджет асослари	3 йиллик бюджет параметрлари 2019 йил бюджет лойиҳасига киритилган
2.7. Бюджет сиёсати мақсадлари	2.7. Бюджет сиёсати мақсадлари	2019 йил бюджетига консолидациялашган бюджет ва давлат қарзи бўйича бюджет мақсадларини қамраб олган бюджет стратегияси киритилган
2.8. Маълумотларни тақдим этиш	2.8. Маълумотларни тақдим этиш	2019 йил бюджетига бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, даромадлар бўйича мақсадлар киритилган
2.9. Аҳолининг иштироки	2.9. Аҳолининг иштироки	фуқаролар учун бюджет 2019 йил бюджети билан бирга эълон қилинган
3.1. Макроиктисодий рисклар	3.1. Макроиктисодий рисклар	2019 йил бюджетига бюджет прогнозларининг асосий макроиктисодий рискларга сезгирлиги таҳлили киритилган
3.2. Махсус бюджет рисклари	3.2. Махсус бюджет рисклари	Махсус бюджет рисклари тўғрисидаги маълумотлар 2019 йил бюджетига киритилган
3.8. Молиявий сектор	3.8. Молиявий сектор	Молиявий секторнинг депозитларни суғурталаш тизими билан боғлиқ рисклари 2019 йил бюджетига ёритиб берилган

Юқоридаги икки баҳолашдаги ўзгаришлар таҳлил қилинса, аксарият ҳолларда кўрсаткичларни яхшилаш бўйича зудлик билан кўрилган чоралар эвазига бу натижаларга эришилганини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, мамлакатимизда бюджет очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани амалиётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилган. Бу борада кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда, бунинг самарасини уларнинг ҳисоботларидан ҳам кузатиш мумкин. Бюджет жараёнларида аҳоли иштироки масаласи ҳам кўп қиррали бўлиб, у бюджет жараёнининг ҳар бир босқичидаги иштирокни таъминлашни ўз ичига олади. Бунда, айниқса бюджет харажатларини режалаштириш жараёни муҳим ўрин тутди.

4-жадвалда маблағлар миқдори, яъни туман (шаҳар)ларнинг жами қўшимча манбалари миқдори, уларнинг камида 10 фоизи, яъни сарфланиши кўзда тутилган маблағ ҳамда аҳолининг киритилган ташаббусларга берган овозлари сонини ҳудудлар кесимида кўриш мумкин.

<sup>11</sup> Жадвал Халқаро валюта жамғармасининг Fiscal Transparency Evaluation update нашри асосида тайёрланган. Интернет манба: <https://www.imf.org> Мурожаат қилинган сана 2021 йил 29 апрел

Ташаббусли бюджет тизимининг натижалари таҳлили<sup>12</sup>

№	Минтақалар	2019 й.			2020 й.		
		Маблағ миқдори (млрд.сўм)	Сарфла- ниши кўзда тутилган маблағ (млрд.сўм)	Берилган овозлар сони (минг нафар)	Маблағ миқдори (млрд.сўм)	Сарфла- ниши кўзда тутилган маблағ (млрд.сўм)	Берилган овозлар сони (минг нафар)
<b>Жами</b>		<b>1553,2</b>	<b>174,1</b>	<b>87,8</b>	<b>705,1</b>	<b>70,9</b>	<b>141,2</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	91,1	9,1	3,6	25,7	2,5	35,5
2.	Андижон вилояти	125,6	18,2	5,1	53,9	5,9	4,1
3.	Бухоро вилояти	109,1	10,9	6,6	97,4	9,6	5,3
4.	Жиззах вилояти	59,7	6,0	5,6	45,7	4,6	9,1
5.	Қашқадарё вилояти	101,0	12,9	2,6	22,6	2,3	8,1
6.	Навоий вилояти	67,6	6,8	21,3	55,6	5,6	2,5
7.	Самарқанд вилояти	119,0	16,1	2,3	31,3	3,1	10,2
8.	Наманган вилояти	152,9	19,5	6,1	24,6	2,5	19,0
9.	Сирдарё вилояти	51,2	5,5	2,5	51,4	5,5	1,9
10.	Тошкент шаҳри	218,3	23,0	5,9	64,5	6,4	18,9
11.	Фарғона вилояти	52,9	6,0	8,9	100,1	9,5	6,2
12.	Хоразм вилояти	78,7	7,8	1,6	49,5	5,0	8,7
13.	Тошкент вилояти	249,9	24,7	2,8	26,3	2,6	3,3
14.	Сурхондарё вилояти	76,3	7,7	12,9	56,5	5,7	8,5

4-жадвал маълумотлари таҳлил қилинса, 2019 йилда қарийб 1,6 трлн. сўмлик қўшимча манбалар шаклланган бўлиб, шулардан 174,1 млрд. сўми ташаббусли бюджет учун ажратилган. Маблағнинг Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятларида қўшимча манбаларнинг 10 фоизидан юқори қисми йўналтирилгани ташаббусли бюджет учун ажратилган маблағнинг жами қўшимча манбалар миқдорининг 10 фоизидан ортишига олиб келган. Лекин қарор билан қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизи белгиланганлиги мазкур ҳолатни асослайди.

Муаллифнинг фикрича, мамлакатимизда ташаббусли бюджетнинг дастлабки йўлга қўйилиши бюджет очиқлиги ва шаффофлигига қуйидаги сабаблар билан таъсир қилади:

1. Жамоатчиликда таклифлар ишлаб чиқиш ва уни тақдим этиш кўникмалари шаклланади.

2. Аҳоли бюджет харажатларини режалаштириш тизими ва уларни шакллантириш жараёни билан бевосита танишади ва унда иштирок этади.

3. Бюджет харажатлари устидан жамоатчилик назорати кучайтирилиши бўйича малака ҳосил бўлади.

4. Бюджет харажатларининг бошқа турларини ҳам ўз ташаббуслари асосида режалаштиришга рағбат рағбат юзага келади.

5. Аҳолининг бюджет саводхонлиги шаклланади ва ривожланиб боради.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

**2021 йилда ташкил этилган янги тартибдаги ташаббусли бюджет  
натижалари таҳлили<sup>13</sup>**


№	Худуд номи	“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилган маблағ (млрд. сўм)	Таклифларнинг кўриб чиқилиши		
			Келиб тушган таклифлар сони (дона)	Модерациядан сўнг	
				Қабул қилинган (дона)	Рад этилган (дона)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	16,4	6523	3700	2823
2.	Бухоро вилояти	16,8	5651	3767	1884
3.	Наманган вилояти	20,7	4414	2904	1510
4.	Фарғона вилояти	23,8	3501	1814	1687
5.	Жиззах вилояти	11,3	2783	1511	1272
6.	Қашқадарё вилояти	29,8	2408	594	1814
7.	Тошкент вилояти	29,8	2329	1259	1070
8.	Андижон вилояти	13,3	2300	1639	661
9.	Хоразм вилояти	18,6	2255	1510	745
10.	Тошкент шаҳар	45,4	2206	643	1563
11.	Самарқанд вилояти	21,8	2059	528	1531
12.	Навой вилояти	13,2	1652	379	1273
13.	Сирдарё вилояти	8,8	1591	497	1094
14.	Сурхондарё вилояти	16,8	1453	1087	366
<b>Жами</b>		<b>286,6</b>	<b>41125</b>	<b>21832</b>	<b>19293</b>

5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ташаббусли бюджет учун 2021 йилнинг I ва II чорак яқунлари бўйича “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилган жами маблағ 286,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилган маблағ миқдори энг юқори миқдор Тошкент шаҳри 45,4 млрд.сўмни, Қашқадарё ва Тошкент вилоятида қарийб 30,0 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, энг қуйи миқдор Сирдарё вилоятида кузатилмоқда ва 8,8 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Келиб тушган таклифлар сони 41125 тани ташкил этади. Уларнинг 21832 таси ёки 53 фоизи бирламчи кўриб чиқишдан ўтган ҳамда уларга овоз беришга рухсат берилган.

2-расмда келтирилганлардан кўриш мумкинки, умумий таклифларнинг қарийб ярми қабул қилинган бўлса-да, бу ҳар бир ҳудудда шундай дегани эмас. Жумладан, Сурхондарё вилоятида берилган таклифларнинг 75 фоизи қабул қилинган бўлса, Навой вилоятида 23 фоиз таклиф қабул қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси(56), Сурхондарё (75), Бухоро (67), Наманган (66), Жиззах (54), Тошкент (54), Андижон (71), Фарғона (52), Хоразм (67) вилоятларида қабул қилинган таклифлар улуши 50 фоиздан ортиқ бўлса, қолган ҳудудларда аксинча, яъни рад этилган таклифлар улуши 50 фоиздан юқори бўлган.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг телеграм канали <https://t.me/minfinuzb> маълумотлари. Мурожаат қилинган сана 2021 йил 20 август.



**2-расм. Ташаббусларни кўриб чиқиш таҳлили(донада)<sup>14</sup>**

Таклифларни кўриб чиқиш жараёни ташаббусли бюджетнинг асосий қисми бўлиб, бунда хато ва камчиликларга йўл қўйилиши келгусида аҳолининг мазкур тизимга ишончини пасайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам бу жараёнда ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Шундай бўлса-да, кейинги, яъни овоз бериш босқичи ҳал қилувчи босқич бўлиб, унда энг кўп овоз олган ташаббуслар молиялаштирилади.

Шу билан бирга таклифлар сони билан бирга уларнинг соҳалари ва йўналишлари ҳам муҳим бўлиб, бу ҳудудлардаги асосий муаммоларни аниқлашнинг бир усули ҳисобланади. Чунки ташаббусли бюджет тизимида бугунги кунда ҳудудлардаги энг долзарб ва аҳолини қийнаб келаётган асосий муаммолар аҳоли ташаббуси шаклида юзага чиқади.


Шунинг учун ҳам муаллифнинг фикрича, ташаббусларни таҳлил қилишда улар соҳаларининг алоҳида статистикасини юритиш жуда муҳимдир. Мазкур статистик маълумотлар орқали нафақат аҳолининг муаммолари, балки бюджетдан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан ҳам хулосалар чиқариш мумкин. Бошқа томондан бундай хулосалар асосида ҳудудларга бюджетдан маблағ ажратишда қайси соҳаларга эътибор қаратиш кераклиги бўйича маълумотлар шаклланади.

Жамоатчилик фикри асосида келиб тушган ташаббусларнинг аксарияти, яъни 12258 таси ички йўللارни таъмирлаш билан боғлиқ. Бу ҳам мамлакатимизда йўللар билан боғлиқ муаммоларнинг кўплигини кўрсатади.

Кейинги ўринларда умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш (5659), кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш (4282), ичимлик суви ва оқова тизимини яхшилаш (3648), мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш (2310), соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш (1438) тадбирлари ўрин олган.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Лекин булар билдирилган ташаббуслар сони бўлиб, уларнинг қабул қилинган қисмини таҳлил қилиш жуда муҳимдир.



**3-расм. Ташаббуслар қабул қилиниши ва рад этилишининг умумий ташаббуслардаги улуши тўғрисида маълумот(%)<sup>15</sup>**

